

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖОН ДЎСТИ ЭДИ

Қардош қирғиз халқининг улуғ фарзанди, атоқли замондошимиз, ўзбек халқининг сеvimли ёзувчиларидан бири, жаҳон адабиётининг таниқли намояндаси Чингиз Айтматовнинг вафоти ҳақидаги хабар вужудимизни ларзага солди.

Чингиз Айтматов ҳар бир ёзувчи ҳавас қилса арзийдиган сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Дастлабки



йирик асари — “Жамила” қиссаси билан Мухтор Авезов, Луи Арагондек улуғ устозлар назарига тушди. “Биринчи ўқитувчи”, “Момо ер”, “Сарвқомат дилбарим”, “Оқ кема”, “Эрта қайтган турналар”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби жаҳон қиссачилигининг нодир намуналарига айланган бетакрор асарлари билан дунёга танилди. “Бўронли бекат”, “Кунда”, “Кассандра тамғаси” (“Тавқи лаънат”), “Тоғнинг кулаши” (“Мангу келин”) романлари жаҳон фалсафий романчилигини ўзига хос янги йўналиш билан бойитди.

Адибнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига юксак бадиий савияда таржима қилинди ва халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолди. Замондош адиблар орасида ҳеч бир ёзувчининг асарлари ўзбек адабиётида бу қадар кенг шуҳрат қозонмаган, десак муболаға бўлмайди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқининг садоқатли дўсти, асл биродари эди. Унинг халқимиз шаънига айтган самимий дил сўзлари, Миртемир, Зулфияхоним, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Тўлепберген Қаипбергенов, Абдулла Орипов ва бошқалар ижодига доир юксак эътирофи ҳали-ҳануз ёдимизда, дилимизда, Айниқса, ўтган асрнинг 80-йиллари, мустабид шўро тузуми жон таслим қилаётган бир пайтда, “ўзбек иши” деб аталган ноҳақ маломатларга қарши айтган жасоратли сўзлари, ўзбек маданиятини қадимий Византия маданияти билан қиёслаб ёзган оташин публицистик мақоласи ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Чингиз Айтматов муҳтарам Президентимиз Фармони билан “Буюк хизматлари учун” орденига сазовор бўлди. У қардош халқлар адабиётлари намояндалари орасида ушбу улуғ мукофотга мушарраф бўлган ягона адиб эди. Чингиз оға оғир хасталикка чалинганида давлатимиз раҳбари унга мактуб йўллаб, кўнгил сўраган, бу улуғ инсонга ўзининг, халқимизнинг эътиромини ифода этган эди.

Халқимизнинг шаън-шавкатини баланд тутган доврўкли замондошимиз, қардош қирғиз халқининг асл фарзанди, жаҳон адабиётининг улкан намояндаси Чингиз Айтматовнинг порлоқ хотираси ҳамиша қалбимиз тўрида яшайди.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**